

	<b>Индорама Агро МЧЖ</b>	Хужжат №	E.01 IMS P-1
		Нашр № ва Сана	Ver. 1 05.09.2022
		Текш.№ ва Сана	
		Амалга кириш санаси	16.09.2022
		Саҳифа	Page 1 of 1
<b>МЕҲНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВА ХАВФСИЗЛИК СИЁСАТИ</b>			

Биз зарардан ҳоли ва иш жойида бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик мажбуриятини олганмиз. Ходимларимиз, хизмат кўрсатувчиларимиз ва фаолиятимиз таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа шахсларнинг саломатлиги ва хавфсизлиги катта аҳамиятга эга. Индорама Агрода ишлайдиган ҳар бир шахс Индорама Агро фаолиятинининг барча босқичларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик бўйича яхши амалиётлар татбиқ этилиши ва уларга риоя этилишини таъминлаш учун жавобгардир.

**Биз қуйидагиларга амал қиламиз:**

- Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик масалалари бўйича амалдаги миллий, ҳудудий ва маҳаллий миқёсдаги ҳамда халқаро саноатдаги илғор тажрибаларга риоя қилиш;
- Хавфсиз иш тизимларини ташкил этиш, хавфсиз иш муҳитини сақлаш ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини аниқлашда ўрнатилган жараёнларга мос равишда фаолиятни бажариш
- Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик бўйича кадрларимиз, истакларимиз, мақсадларимиз, мажбуриятларимиз бажарилишига мос келишини таъминлаш учун хизмат кўрсатувчиларни, технологияларни, жиҳозларни танлашда ва завод курилишида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик мезонларини киритиш;
- Барча ходимлар ва хизмат кўрсатувчиларни ўз вазифаларини хавфсиз бажаришлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик бўйича ўқитиш, ишларни хавфсиз ҳолда бажариши учун барча жиҳозлар ва қулайликлар билан таъминлаш;
- Хабардорликни таъминлаш ва олдини олувчи ва енгиллатувчи хавфсизлик чораларини ривожлантириш ва чидамлиликини ошириш орқали такрорланишни олдини олиш мақсадида бахтсиз ҳодисаларни текшириш
- Ходим ва хизмат кўрсатувчиларнинг соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш учун мунтазам соғлиқни сақлаш назоратини ва хавф натижасида келиб чиқадиган таъсирни кузатиб бориш
- Бизнинг мажбуриятларимиз ва мафкураларимизга ва амалдаги қоидалар ва глобал стандартларга мос келадиган соғлиқ ва хавфсизликни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш;
- Амалдаги тартиб ва илғор халқаро саноат амалиётига мувофиқ фавқулодда вазиятларга тайёр туриш ва жавоб бериш тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш;
- Ходимларимизни ва бизнес фаолиятимизни асраш учун соғлиқ билан боғлиқ пандемия ҳолатларини кузатиш ва шай туриш
- Аниқ ва ўлчанадиган мақсад ва вазифаларни белгилаш ҳамда бутун компания бўйлаб саломатлик ва хавфсизлик кўрсаткичларини ўлчаш, баҳолаш ва яхшилаш механизмларини жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш орқали меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизликни доимий равишда яхшилаш;
- Ижобий бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик маданиятини ходимлар ва хизмат кўрсатувчилар иштирокида самарали мулоқот, тренинглар ва маслаҳатлар орқали тарғиб қилиш;
- Хизмат кўрсатувчиларимиз ва таъминотчиларимизга сиёсатимизга мувофиқ тамойиллар ва амалиётларни қабул қилишларига таъсир қилиш.

“Индорама Агро” ушбу сиёсатни амалга татбиқ этади ва чора-тадбир ишлаб чиқади ва вақти-вақти билан ривожланиши ва кўрсаткичлари ҳақида хабардор этади. Ушбу сиёсат ҳар 2 йилда кўриб чиқилади.

Тайерлаган:	Лавозим: - ХСЭ Бўлим Бошлиғи	Сана: 15.09.2022	Имзо: 
Текширган:	Лавозим: - Бош Бошқарувчи Раҳбар	Сана: 15.09.2022	Имзо: 
Тасдиқлаган:	Лавозим: - Бош директор	Сана: 15.09.2022	Имзо: 